

ТОЛИБОН ҲУКУМАТИНИ ТАН ОЛИШ: ҲУҚУҚИЙ ЕЧИМ

(Ушбу мақола 2021 йилнинг ноябрь ойигача бўлган маълумотлар асосида таҳлил қилинган)

Усмоналиев Эркабой Бобур ўғли

Тошкент давлат юридик университети “Оммавий ҳуқуқ” факултети 2-курс талабаси

erkaboy01uztoken@gmail.com

Аннотация

Мазкур мақолада Афғонистоннинг ҳукуматига келган Толибон ҳаркати раъсий ҳукумат сифатида тан олиш масалалари изчил тарзда, юридик нуқтаи назардан батафсил таҳлил этилган. Шунингдек, чет эл мамлакатлари томонидан тан олиш давлатнинг мавжудлигига қандай таъсир қилишининг назарий-ҳуқуқий жиҳатлари тадқиқ этилган. Ушбу мақола мавзуси бўйича илғор хорижий ва миллий олимларнинг фикрлари ўрганилган ва халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган қоидалари асослаб берилган. Шу билан бирга, мавзу доирасида Ўзбекистоннинг толибон ҳукуматига бўлган муносабати кўриб чиқилди ва ҳуқуқий асослантилди ҳамда халқаро ҳуқуқ ва миллий қонунчилик манбалари тизимли, таҳлилий-қиёсий ўрганилган. Мавзуга оид маълумотларнинг тушунарли бўлишини таъминлаш мақсадида жадваллардан фойдаланилди.

Калит сўзлар: сиёсий режим, халқаро субъект, тан олиш, ҳукумат ва давлат, де-факто, де-юре, ички сиёсат, стратегик ҳамкорлик, шартнома, баёнот, халқаро ҳужжат, дипломатик вакиллар, консуллик, агрессия.

.....

ПРИЗНАНИЕ ПРАВИТЕЛЬСТВА ТАЛИБАНА: ПРАВОВОЕ РЕШЕНИЕ

(Эта статья анализируется на основе данных до ноября 2021 года)

Аннотации

В этой статье дается последовательный юридический анализ признания талибов официальным правительством афганского правительства. В нем также исследуются теоретические и правовые аспекты того, как признание со стороны зарубежных стран влияет на существование государства. В статье исследуются взгляды ведущих зарубежных и отечественных ученых и закладываются общепризнанные принципы международного права. При этом был рассмотрен и обоснован вопрос об отношении Узбекистана к правительству талибов, а также проведено систематическое, аналитическое и сравнительное исследование источников международного права и национального законодательства. Таблицы использовались, чтобы сделать информацию понятной.

Ключевые слова: политический режим, международное образование, признание, правительство и государство, де-факто, де-юре, внутренняя политика, стратегическое партнерство, договор, заявление, международный документ, дипломатическая миссия, консульство, агрессия.

.....

RECOGNITION OF TALIBAN GOVERNMENT: LEGAL SOLUTION

(This article is analyzed on the basis of data up to November 2021)

Abstract

This article provides a consistent, legal analysis of the Taliban’s recognition as the official government

of the Afghan government. It also examines the theoretical and legal aspects of how recognition by foreign countries affects the existence of a state. This article examines the views of leading foreign and national scholars and provides a basis for the universally recognized principles of international law. At the same time, the attitude of Uzbekistan to the Taliban government was considered and legally substantiated, as well as a systematic, analytical and comparative study of the sources of international law and national legislation. Tables were used to make the information understandable.

Keywords: political regime, international entity, recognition, government and state, de facto, de jure, domestic policy, strategic partnership, treaty, statement, international document, diplomatic mission, consulate, aggression.

Хар бир давлатнинг ички тараққиёти, ривожланиши ва унинг кейинги истиқболлари албатта унинг ташқи сиёсатига, яъни халқаро алоқаларига ҳам бевосита боғлиқ бўлади. Булар иқтисодий алоқалар яъни савдо-сотиқ, молиявий қўллаб-қувватлаш, кредит-валюта, транспорт-коммуникация, фан, таълим, маъданият, туризм ва бошқа соҳалардаги ҳамкорликлар ва олиб борилиши керак бўлган бошқа истиқболли лойиҳалар кўринишларида намоён бўлади. Бугунги кунда халқаро муносабатлар кўплаб жабҳаларда намоён бўлиши мумкин. Жумладан булардан энг муҳими – бу давлатларнинг бир бирини тан олиш масаларидир. Шунингдек, ҳокимиятга келган муҳолифат ҳаракатларини эътироф этилиш дунё ҳамжамиятида турлича қаралади. Бу жараён фақатгина амалиётда намоён бўладими ёки назарий жиҳатдан асослантириладими. Ушбу жараёнларни Афғонистон давлатидаги ҳукумат алмашинуви жараёнида кўриб ўтишимиз мақсадга мувофиқ бўлар эди. Бундан аввал эса халқаро ҳуқуқ субъекти ва унинг хусусиятлари ҳақида маълумотларга эга бўлсак. Чунки ташқи алоқаларда тўлақонли иштирок этиш учун халқаро ҳуқуқ субъекти бўлиши талаб этилади.

Жатин Гаргнинг фикрича “Халқаро ҳуқуқ субъектлари атамаси халқаро ҳуқуқ тизимида ўз ҳисобига маълум ҳуқуқ ва мажбуриятларни амалга оширишга қодир бўлган, халқаро тизимдаги даъволарни бажариш қобилиятига эга бўлган иштирокчиларга айтилади” [1].

Халқаро жамиятда юз бераётган воқеаларга назар ташлайдиган бўлсак, аввало, Афғонистондаги мавжуд вазиятга тўхталиш ўринли бўлади. Чунки ушбу давлатдаги юз бераётган ўзгаришлар бутун дунё ҳамжамиятини ларзага солди. Жумладан, Афғонистондаги муҳолифат кучлари саналган “Толибон” ҳаракати ҳокимият учун жиддий кураш олиб борди. Натижада 2021 йил 15 август кунига келиб “Толибон” ҳаракати Афғонистон ҳудудларини тўлиқ эгаллади ва амалда ҳокимиятни қўлга олди. Бу АҚШ ўз қўшинларини ушбу мамлакатдан олиб чиқишидан бир неча ҳафта ўтиб рўй берди (улар бу ерда 20 йил давомида бўлган эди) [2].

Америка ҳукумати, Фарбнинг бошқа кўплаб давлатлари қатори Кобулдан дипломатларини эвакуатсия қилди. Россия эса элчихонасини ёпмаслиги ва ўтиш даври ҳукумати билан ҳамкорлик қилмоқчилигини маълум қилди, гарчи толибон Россия Федератсиясида террорчи ташкилот сифатида тан олинган бўлса ҳам [3].

Демак бизда савол туғилиши табиий:

Афғонистондаги янги “Толибон” ҳукуматини тан олса бўладими?

Хорижий давлатларнинг тан олиши ушбу давлатнинг мавжуд бўлишига таъсир

қиладимиз?

Бу борада Ўзбекистон ва дунё ҳамжамияти қандай фикрда?

Давлатлар ўртасидаги устувор йўналишлардаги алоқалар вужудга келиши ҳамда улар ўртасида дипломатик алоқалар барқарор бўлиши учун давлатлар бир бирини тан олган бўлиши лозим ва бу ташқи алоқаларнинг муҳим элементи ҳисобланади. В.Э. Очилов ва Х.Т. Одилқориев тан олиш борасида қуйидаги қарашларни илгари суради: “Тан олиш – давлатнинг бир томонлама ихтиёрий акти бўлиб, унда давлат бошқа давлатга халқаро ҳуқуқнинг субъекти сифатида қарайди ва билан расмий муносабатларга киришиш нияти ёки давлатда ёхуд унинг ҳудудининг бир қисмида конституцияга зид йўл билан ўрнатилган ҳокимият ушбу давлат ёки тегишли ҳудуд аҳолисининг халқаро муносабатларда вакил сифатида етарлича самарали чиқиши ҳақида бевосита ёки билвосита баён қилади” [4].

И.А. Базелюк ушбу жараёнда қуйидагича фикр беради: “Тан олиш халқаро ҳуқуқ институти бўлиб, у халқаро ҳамда икки томонлама ҳуқуқ меъёрларига риоя қилиши шарт. Амалда, давлатнинг пайдо бўлиши, асосан, халқаро ҳуқуқ субъекти сифатида эътироф этиш унга боғлиқ эмас. Аммо тан олинмаслик бошқа субъектлар билан алоқани давом эттиришда қийинчиликлар туғдиради” [5].

Р.А. Вячеславович бугунги кундаги тан олиш борасидаги жараёнларга шундай муносабат билдиради: бир давлат ҳудудидан ажралиб, мустақил болишга уринаётган давлатлар Осиё ва Африкада мавжуд бўлишда давом этмоқда. Ҳозир биргина собиқ Сомали Республикаси ҳудудида уларнинг ўнга яқини бор. Лекин бу мамлакатларда биринчи навбатдаги элемент, яъни мустақил ҳудудни бошқариш ва бошқа давлат мавжуд бўлишига оид белгилари мавжуд эмас. Иккинчидан халқаро ҳамжамиятда улар тан олинмаган ва қўллаб қувватланмайди. Ваҳоланки, халқаро муносабатлар ўрнатишга биринчи қадам икки давлат ўртасидаги муносабатлар – бу уларнинг бир-бирини тан олишидир [6].

О. Волосчук ёндашувига кўра, халқаро ҳуқуқда тан олишнинг аҳамияти биринчи навбатда бошқа давлатлар билан муносабатларни нормаллаштиришга, давлатни халқаро изоляциядан олиб чиқишга, унга ўзини тўлиқ англашга имкон беради [7].

Тан олишдан олдин давлатлар қўшимча шартларнинг бажарилишини талаб қилиши мумкин. Масалан, Европа ҳамжамияти (Европа Иттифоқи), 1991-йилда Шарқий Европада, собиқ Совет Иттифоқи ва Югославияда шаклланаётган янги давлатларга, озчиликлар ҳуқуқларини ҳурмат қилишни, дахлсизликни талаб қиладиган декларацияни эълон қилди. Шунингдек, қуролсизланиш ва ядро қуролини тарқатмаслик мажбуриятлари ҳам юклатилди [8].

Жамес Крафорд айтишича ҳукумат ва давлатни тан олиш бир-бири билан чамбарчас боғлиқ бўлиши мумкин, лекин улар бир хил эмас. Муайян режимни тан олмаслик, албатта, бу режим вакили бўлган жамоанинг давлатчиликка лаёқатсизлигини англатади. Ҳукуматни тан олмаслик унинг мустақиллик ва самарадорлик нуктаи назаридан ҳукумат сифатида қаралмаслиги ёки тан олувчи давлатнинг у билан нормал ҳукуматлараро алоқаларни ўрнатишни хоҳламаслигини англатиши мумкин [9].

Тан олиш борасидаги ҳақаро ҳуқуқ нормаларига эътибор берадиган бўлсак, дастлаб, Тобаро ва Эстрада докториналарига тўхталиб ўтиш жоиз. Тобаро доктринаси 1907 йили Эквадор ташқи

ишлар вазири Э.Л. Тобаро томонидан илгари сурилган докторина ҳисобланади. Бу доктринанинг мазмуни шундан иборатки, ички давлат тўнтаришидан сўнг ҳокимият тепасига келган ҳукуматлар ўз мамлакатлари аҳолиси томонидан “тан олинмагунича” бошқа давлатлар томонидан ҳукумат сифатида тан олинмаслиги лозим. Тобар доктринаси – ҳукуматлар тан олинishi қонунийликка боғлиқ бўлиши керак эди [10]. Ушбу докторинада қуйидагича берилган:

“Давлатларнинг тан олинishi, фуқаролар уруши, давлат тонтарилиши, ёки ички зўравонликнинг бошқа шакиллари билан тузилган ҳеч бир ҳукумат халқнинг эркин сайланган вакиллари конституциявий ҳукуматни ташкил қилмагунча тан олинмайди” [10].

Эстрада доктринаси эса 1930 йил 27 сентябрда Мексика ташқи ишлар вазири Х. Эстрада томонидан янги ҳукуматлами тан олиш масаласи юзасидан баёнот қилган эди. Ушбу доктринага мувофиқ, бу мамлакат ҳукуматини тан олишнинг алоҳида акти зарурлиги инкор қилинади, тан олишнинг фақат бир усули мавжуд деб ҳисобланади. Яъни дипломатик муносабатларни сақлаб қолиш ёки ўрнатиш орқали [11].

Айнан Афғонистон мисолида бу икки ҳужжатни таҳлил қиладиган бўлсак, бугунги кундаги Толибон ҳукуматининг ушбу давлатдаги ҳокимиятига бўлган чет мамлакатларини муносабати икки тармоқда дейиш мумкин. Яъни баъзи мамлакатлар ҳалигача бирон-бир алоқа ўрнатган эмас ва буни демократик тамойилларга зид деб билади. Ушбу жараён Тобаро доктринаси қоидаларига бевосита мос келади. Иккинчи гуруҳ мамлакатлари эса (жумладан Ўзбекистон) де-фактик алоқаларни ўрната бошлади. Бу эса Эстрада доктринаси қоидаларини ифодалайди.

Шунинг билан бирга Толибон ҳукуматини тан олишнинг қайси турига мос эканлигини аниқлаш, ушбу янги ҳукумат билан бўлаётган хорижий давлатлар муносабатлари расмий белгига эга эканлиги ёки эга эмаслигини билиш учун тан олишнинг 2 та асосий турини батафсил тушуниб олиш даркор. Яъни улар де-факто ва де-юре тан олишга бўлинади.

Тан олишнинг асосий икки тури, қуйидаги хатти-ҳаракатларда намоён бўлади		
№	Де-юре	Де-факто
1	Давлат раҳбарларининг учрашувларида	Расмий бўлмаган учрашувларда
2	Расмий дипломатик вакилларнинг учрашувларида	Турли соҳалар бўйича делегатсиялар учрашувида
3	Баённома қабул қилиш ёки меморандум имзолашда	Ҳукуматларнинг бир-бирини иқтисодий, ижтимоий ва маданий жиҳатдан қўллаб-қувватлашларда
4	Расмий тан олинганлик ҳақида оммавий ахборот воситаларида эълон қилишда	Ҳамкорликларда
5	Икки ҳукумат ўртасида алоқаларни ривожлантиришда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилишда	Сиёсий вакилларнинг маълум муносабат билан табриклар йўллаши

Де-факто тан олиш давлатчиликни вақтинча тан олиш. Бу де-юре тан олишнинг асосий

босқичидир. Бу вақтинчалик тан олиш дейиш ҳам мумкин. Бу режим тан олиниши, агар янги давлат етарли худудга эга бўлса ва маълум бир худудни назорат қилса де-факто қўлланилади. Қисқаси биз буни янги ташкил этилган давлатлар ёки ҳукуматлар учун назорат синови деб ҳисоблашимиз мумкин. Де-факто тан олиш-бу янги давлатни мажбуриятсиз ҳаракат билан тан олиш жараёни. Де-факто тан олинган давлат Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзо бўлиш ҳуқуқига эга эмас. Масалан, Исроил, Тайван, Бангладеш каби [12].

Де-юре тан олиниши – бу янги давлат давлатнинг барча муҳим хусусиятларини бажаради деб ҳисобласа, мавжуд давлат томонидан янги давлатнинг тан олиниши. Де-юре тан олиниши де-факто тан олиниши билан ҳам, берилмасдан ҳам берилиши мумкин. Бу эътироф этиш тартиби янги тузилган давлат барқарорлик ва давлатчиликка эга бўлганда берилади [13].

Жадвал №1 [14]

№	Де-факто тан олиш	Де-юре тан олиниш
1	Де-факто тан олиш – вақтинчалик ва фактик тан олиш (масалан: музокаралар олиб бориш).	Де-юрени тан олиш – бу қонуний эътироф (масалан: баённома қабул қилиш ёки меморандум имзолаш).
2	Де-факто тан олиш давлатчиликнинг муҳим шартлари бажарилган тақдирда берилади (масалан: тинчликни тامينлаш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини тўлиқ кафолатлай олиши).	Де-юре тан олиниши, агар давлат ўз худудида, ўзи учун зарур бўлган барча заруратларни тامينлай олса, халқаро мажбуриятни бажара олса, етарли доимий назоратни амалга оширсагина берилади.
3	Де-факто тан олиш шартли ёки шартсиз бўлиши мумкин.	Де-юрени тан олиш-бу яқуний ва шартли бўлмаган тан олиш.
4	Де-факто эътироф этиш табиатан бекор қилинади (масалан: синов тариқасида де-факто тан олинган давлат, етарли даражада талабга жавоб бермаса бекор қилиниши мумкин).	Де-юре тан олиниши қайтариб олинмайди.
5	Бу турдаги тан олинган давлатлар бошқа давлатларга нисбатан фақат бир нечта ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлади.	Бу турдаги тан олинган давлат бошқа давлатларга нисбатан мутлақ ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлади.
6	Де-факто тан олинган давлат тўлиқ дипломатик иммунитетлардан фойдалана олмайди.	Де-юре тан олинган давлат тўлиқ дипломатик иммунитетларга эга бўлади.

Энди еса дунё мамлакатларининг Толибон ҳукуматини тан олиш масаласини таҳлил қилиб чиқсак. Толибон ҳаракатини баъзи давлатлар террорчи ташкилот деб номласа, баъзилари, ҳукумат лаёқатига ега бўлган муҳолифат ҳаракати деб аташади. Афғонистон ҳукуматига амалда Толибонлар келган пайтда кўпчилик ғарб давлатлари ўз дипломатик вакилларини ушбу давлатда

олиб чиқиб кета бошлади. Лекин бунинг ҳуқуқий асосига эътибор қаратадиган бўлсак, бу – “Дипломатик муносабатлар тўғрисидаги” Вена конвенциясида бирон бир давлатда ҳукумат алмашганда ҳам дипломатлар вазифасини тугатмаслиги таъкидлаб ўтилган [15]. Демак, юридик нуқтаи назардан, хорижий миссиялар, ҳатто Толибон режими тан олинмаган тақдирда ҳам, тан олинган тақдирда ҳам Афғонистондаги мажбуриятларини бажаришда давом этишлари мумкин еди. Бу қонуний ишончга қарамай, фактик нуқтаи назардан, дипломатик ва консуллик зобитлари Афғонистонда дипломатик миссияларини тугатди.

Тарихга назар солсак, халқаро қонунийлик масалалари сўралганда, Буюк Британия ҳукуматининг 1990-йилда Ироқ ишғоли остида Қувайт мақомига, “Шимолий Кипр Турк Республикаси” мақомига, яқинда Ливиянинг қонуний ҳукуматига тушунтириш бериши ва ҳукумат Миллий Ўтиш Кенгашини (МХТ) қонуний ҳукумат деб ҳисоблаганлигини аниқ кўрсатувчи сертификат берилган [16].

Жадвал №2

№	Халқаро ҳуқуқ субъекти номи	Толибон ҳукуматига муносабати
1	АҚШ	Жо Байден маъмурияти ҳали янги афғон стратегиясини тақдим етмади. Оқ уй Толибоннинг муносабатларни яхшилаш истагига ҳозирча ҳеч қандай муносабат билдирмаган. Шу билан бирга, Вашингтон, Брюссел сингари, террор ташкилотлари Афғонистонда илдиз отиб, у ердан Ғарб дунёсига ҳужумларни ҳеч қандай тўсиқсиз режалаштириши ва мувофиқлаштириши мумкинлигидан кўрқади. Ҳозирги вақтда АҚШ асосан Вашингтондаги стратегик шериги ҳисобланган Покистон билан муносабатларини қайта кўриб чиқиш билан банд [17].
2	Буюк Британия	<i>“Бизнинг сиёсий ва дипломатик саъй-ҳаракатларимиз Афғонистон муаммосини ҳал этиш ёълларини излаш, жумладан, бу борада зарурат тугилса, толиблар билан ишлашга қаратилган”,</i> – деган бош вазир Борис Жонсон “Ski News” телэканали ефирида [18].
3	Франсия	Франсия ҳукумати ҳам элчихонасини Кобул аэропортига кўчириб ўтказишга қарор қилди. <i>“Франсия озодликни ҳимоя қилганлар билан бирдамлигини билдиради”,</i> дейилган Франсия ташқи ишлар вазири Жан-Ива Ле Дрианнинг баёнотида [18].
4	ГФР	Август ойи охирида Германия Ташқи ишлар вазири Хайко Маас дипломатик муносабатлар ҳукуматни тан олиш билан бевосита боғлиқ эмаслигини аниқ кўрсатди. <i>“Агар бу сиёсий жиҳатдан мумкин бўлса ва хавфсизлик ҳолати имкон берса, Германия яна Кобулда ўз элчихонасини очиши керак”,</i> деди у Толибон турли мамлакатлар дипломатлари билан музокара олиб бораётган Қатарга

		ташрифи чоғида [17].
5	Ҳиндистон	“Ҳиндистон ва Америка Қўшма Штатлари Толибонни Афғонистон ҳудудини ҳар қандай давлатга ҳужум қилишдан, шунингдек, террорчиларни бошпана ёки ўқитишдан ҳимоя қилишга чақиради”, деди Ҳиндистон ташқи ишлар вазирининг биринчи ўринбосари Харш Вардхон Шрингла Ҳиндистон Бош вазири билан учрашувдан сўнг [19].
6	Канада	Канада, хавфсизлик нуқтайи назаридан Кобулдаги элчихонаси фаолиятини тўхтатган. “Биз бугун афғон халқи бошига тушган вазиятдан гамга ботдик”, бу айниқса Афғонистон келажакига ишонган ва ишонишда давом этаётган канадаликларнинг қурбонликларини ҳисобга олсак, янада аҳамиятли. Биз иттифоқчиларимиз ва халқаро ҳамжамият билан бу сай-ҳаракатларимиз беҳуда кетмаслиги учун ҳамкорликни давом эттираемиз” – деган еди Канада бош вазири Жастин Трюдо [18].
7	Покистон	Покистон Бош вазири Имрон Хон Кобулдаги исломчилар томонидан ҳокимиятни қўлга киритилишини олқишлаб, буни Афғонистоннинг озод қилиниши деб атади. Толибон ҳукмронлигининг биринчи даврида (1996 йилдан 2001 йилгача) Покистон Саудия Арабистони ва Бирлашган Араб Амирликлари билан биргаликда “Афғонистон Исломи Амирлигини” расман тан олган уч давлатдан бири еди. Бошқа томондан, Исломобод Толибондан нажот излаётган афғон қочқинларини қабул қилишни давом еттирмоқчи эмас. Бугунги кунда Покистонда аллақачон 1,5 миллион афғон яшайди [17].
8	Қатар	Форс кўрфазидаги амирлик воситачи ролини яхши кўради. Штат раҳбарияти “Мусулмон Биродарлар” исломий ҳаракати ва Фаластиннинг “Хамас” террор ташкилоти билан алоқани сақлаб турибди. 2013 йилдан толибларнинг сиёсий идораси Доҳада жойлашган. Шу билан бирга, АҚШнинг Яқин Шарқдаги енг йирик ҳарбий базаларидан бири Қатарда жойлашган. Кўплаб кузатувчилар Доҳа Толибонга тўсқинлик қилишга таъсир кўрсатиши мумкин деб умид қилишади [17].
9	Россия	Россияда Толибон ҳаракати террорчи ташкилот сифатида тақиқланган. Шу билан бирга, Москва кўп йиллар давомида толиблар билан алоқада бўлган. Бундан ташқари, бир неча кун олдин, Россия Президенти Владимир Путин ШХТ ва ОДКБ давлатлари раҳбарлари билан гаплашар экан, Толибон муваққат ҳукуматини “ҳақиқатан ҳам вакиллик ёки инклюзив деб аташ мумкин эмас”, деб айтган. У шунингдек, Кобулдаги янги ҳукуматни

		<p>тан олиш масаласида “<i>позитсияни келишиб олиш</i>” кераклигини таъкидлади [17].</p> <p>Хавфсизлик сиёсати нуқтаи назаридан, Москва Афғонистондан келган ислончилар собиқ иттифоқ республикалари: Тожикистон, Туркманистон ва Ўзбекистонда ўз таъсирини ўтказди деб қўрқади. Қолаверса, Россия Афғонистонда героин ишлаб чиқариш кўпайишидан қўрқаётган давлатлардан биридир. Кўкнори етиштириш Толибоннинг асосий даромад манбаларидан бири ҳисобланади. Аммо Россиянинг Кобулдаги элчихонасини ёпмаган санокли давлатлардан бири бўлиб қолиши, Москванинг Афғонистон табиий бойликларини ўзлаштиришга қизиқишини кўрсатиши мумкин. Аммо Россия ҳам расмий тан олган эмас [17].</p> <p>Толибон Афғонистоннинг Россиядаги элчиси лавозимига номзодларни аниқлади, деди “Риа Новости”га маданият ва ахборот вазири ўринбосари Забиулла Мужоҳид [20].</p> <p>Россиянинг Кобулдаги элчихонаси хабарига кўра, Россия Афғонистоннинг ўтиш ҳукумати билан ҳамкорлик қилишга тайёрлигини маълум қилди. Лекин Москва ҳозирча толибларни Афғонистоннинг қонуний ҳукумати сифатида тан олмаган. “<i>Барчаси ўз вақти билан</i>”, дея изоҳлаган Россия ТИВдагилар [20].</p>
10	Туркия	<p>Анқара Толибон билан муносабатларни дипломатик ёъл билан яхшилашга ҳаракат қилмоқда. Янги ҳокимият аллақачон Туркияга Кобулдаги халқаро аэропортнинг оператори бўлишни таклиф қилган [17].</p>
11	Хитой	<p>Ҳамма глобал кучлар ичида Хитой Толибон билан ҳамкорликка энг очик давлатдир: июл ойи охирида Хитой Ташқи ишлар вазири Ван И Толибон асосчиларидан бири ва ислончиларнинг сиёсий раҳбари Абдул Ғани Барадар билан учрашди. Пекиннинг манфаати, бир томондан, фақат иқтисодий: Хитой Афғонистон фойдали қазилмаларига киришни ва Афғонистонни Янги Ипак ёъли лойиҳасига қўшишни хоҳлайди. Шу билан бирга, Пекин Хитойнинг Афғонистондаги сармоялари шунчалик катта бўлишидан умид қилади [17].</p>
12	Европа Иттифоқи	<p>Сентябр ойининг бошида Европа Иттифоқи “Толибон” ни Афғонистоннинг янги ҳукумати сифатида тан олмаслигини ҳамда ҳар қандай келишув қатъий шартлар асосида ва Афғонистон нефт қувурларини қўллаб-қувватлаш учун бўлишини айтганди [21].</p> <p>Сентябр ўрталарида еса “<i>Афғонистондаги воқеаларга ҳеч бўлмаганда таъсир қилиш учун бизда толиблар билан музокара қилишдан бошқа иложимиз ёъқ</i>”, – деди Европа парламентида</p>

сўзлаган Европа ташқи ишлар ва хавфсизлик сиёсати бўйича олий вакили Хосеп Боррел. Европа Иттифоқининг Афғонистон бўйича умумий стратегияси мамлакатда инсон ҳуқуқларини таъминлаш, шунингдек, бу ҳудудларда “Ал-Қоида” ва “Ишид” каби террорчи гуруҳларнинг ўз ўрнини егаллашини олдини олишга қаратилган. Шунингдек, Жозеп Боррелнинг айтишича, Европа Иттифоқи Толибон билан мулоқотни бошлашга тайёр, лекин Толибоннинг тан олинини уларнинг кейинги ҳаракатларига боғлиқ бўлади. Яъни: *“Толибон урушида галаба қозонди, шунинг учун миграция ва гуманитар инқирозларнинг олдини олиш учун биз Кобулдаги янги ҳокимият билан келишишимиз керак”*, – деди Боррел [18].

Ҳозирги замон амалиётида ҳукуматни тан олишнинг ҳал қилувчи шарти унинг бошқаруви самарадорлигига боғлиқ экани тобора катта аҳамият касб етмоқда. АҚШнинг ҳисоблашича, *“Ҳар қандай давлатнинг қонуний ҳукумати ўзига тегишли ҳудудда самарали назоратни амалга ошираётган ҳамда халқаро мажбуриятларни зиммасига олишга ва бажаришга лаёқатли экан, мазкур ҳукумат билан расмий муносабатлар ўрнатилиши мумкин”*. Ҳукуматнинг тан олинмаслиги унинг кўп томонлама шартномаларда иштирок етишига тўсқинлик қилмайди. Унинг халқаро ташкилотларда иштироки тўғрисидаги масала тегишли ташкилотлар қоидаларига мувофиқ тарзда ҳал етилади [22].

Шу ўринда Ўзбекистоннинг Афғонистондаги мавжуд яъни 2021 йил 15 августда ҳокимият тепасига келган “Толибон” режимига ҳукуматга позитсияси қандай эканлигини таъкидлаш жоиз.

Ташқи ишлар вазирлигининг берган маълумотларига кўра Ўзбекистон “Толибон” ҳаракати билан яқин алоқада бўлиб турибди. Жумладан: Афғонистондаги янги ҳукумати Ўзбекистон мустақиллигининг 30 йиллиги билан табриклади. Табрик мактубида қуйидагича дейилади: *“Биродар Ўзбекистон Республикаси раҳбарияти ва халқини Мустақиллик байрами билан самимий табриклаймиз. Биз кўшни Ўзбекистон билан самарали ва дўстона муносабатлар ўрнатишни хоҳлаймиз”* [23].

Шунингдек Ўзбекистон ҳам жорий йилнинг 9 сентябрида Ўзбекистон Афғонистонда “Толибон” томонидан муваққат ҳукумат тузилганини олқишлади [24]. Бунга жавобан “Толибон” ҳукумати Ўзбекистоннинг Кобулдаги янги ҳукумат билан алоқа ўрнатишга тайёр – деди “Толибон” етакчиларидан бири Анас Ҳаққоний [25].

2021 йилнинг 14 сентябр куни Ўзбекистон афғон халқига 25 та вагонда зарур маҳсулотлардан иборат инсонпарварлик ёрдамани юборди. Ўзбекистон делегатсияси “Толибон” вакиллари билан учрашиб, мамлакатлар ўртасидаги ҳамкорликни муҳокама қилди ва есдалик совғаларини топширди. Делегатсияга Сурхондарё вилояти ҳокими Т. Боболов бошчилик қилди. Жами 1,3 минг тонналик инсонпарварлик юки юборилган еди [26]. 2021 йилнинг 14 сентябр куни Афғонистоннинг Ҳайратон шаҳрида Афғонистон халқига инсонпарварлик ёрдами топширилишига бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди [27]. “Бутун афғон халқи номидан Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевга чуқур миннатдорлигимизни билдирамыз” – деди Забиҳулла Мужоҳид [28].

Демак, юқоридаги ҳолатлардан кўришимиз мумкинки, ҳозирги кунда Ўзбекистоннинг Афғонистонга бўлган позитсиясини де-факто тан олишга киритишимиз мумкин. Бунга биз юқорида далил ва исботларни келтириб ўтдик.

Шу ўринда де-факто тан олишнинг де-юре тан олишга ўтиши ҳуқуқий жиҳатдан расмийроқ кўринишга ега бўлади. Давлат ёки ҳукуматларни қонуний тан олиш учун, тан олиш ёки этироф этиш тўғрисида очик баёнот бериш билан ёхуд дипломатик елчиларни алмаштириш, шунингдек икки томон ўртасида шартнома ёки битимлар орқали ихтиёрий муносабатларни ўрнатиш талаб қилинади. Аммо ҳозирги кунда тан олиш ҳеч қандай қонуний асосга асосланмаслиги мумкин. Тан олинмаслик шунчаки норозилик ва бойкот сиёсатининг бир қисми дейиш мумкин. Тан олиш қўғирчоқ давлатини яратиш билан боғлиқ бўлган агрессия сиёсатининг бир қисми ҳам бўлиши мумкин. Бунинг оқибатида халқаро ҳуқуқнинг бузилиши келиб чиқади. Лаутерпахтнинг сўзларига кўра, давлатлар тан олинган тақдирда, фақат икки томонлама шартнома тузилиши, дипломатик муносабатларнинг расмий равишда бошланиши ва еҳтимол, консуллик масалаларидаги алоқалар айнан расмий тан олиш мазмунини оқлайди. Шундай бўлсада, халқаро ҳуқуқ нуқтаи назаридан, норасмий муносабатлар давом етса, давлатчилик аҳамиятга ега бўлиши мумкин. Бироқ ихтиёрий икки томонлама муносабатлар масаласида тан олиш талаб қилинади.

Хулоса ўрнида қуйидаги фикрларни айтиб ўтиш лозим:

Биринчидан Афғонистондаги ҳукуматни агарда фақат юридик нуқтаи назардан олиб қарасак, Толибон ҳукуматини тан олиш мумкин. Тан олиш Афғонистон давлатининг музокаралар олиб боровчи шерикларига ким билан келишиш мумкинлигини билиш имконини беради. Бу, шунингдек, дипломатик ва консуллик мансабдор шахслари ўз лавозимларини қайта бошлаши мумкин ва бу Афғонистонни халқаро ҳуқуқий муносабатларда иштирок этишига руҳсат бериш учун зарур қадамдир [29]. Биз шуни айта оламизки, конституцияга зид равишда ҳокимиятга келган режимлар билан бўлган муносабатларимизни, улар тегишли давлат ҳудудини самарали назорат қила оладими ёки ёқми, деган хулосага қилиш кифоя [30]. Демак, Толибон ҳаракати Афғонистон ҳудудида тўлиқ назоратни амалга ошира олса, афғон фуқароларини ҳуқуқ ва еркинликларини тامينлай олса ҳамда давлат механизими асосида иш олиб борса шунингдек халқаро ҳамжамиятда ўз мажбуриятларни англаган ҳолда тинчлик асосида ҳамкорлик қилиш юқламасини олса, Толибон ҳукуматини тан олса бўлади. Бунинг учун еса асослар етарли.

Иккинчидан чет давлатларнинг тан олиши Афғонистоннинг давлат сифатида мавжуд бўлишига ҳеч қандай таъсир қилмайди. Давлатларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари тўғрисида Монтевидео конвенциясининг 3–моддасида қуйидагича берилган: “Давлатнинг сиёсий борлиги бошқа давлатлар томонидан тан олинишига боғлиқ эмас. Ҳатто, тан олинишидан олдин ҳам, давлат ўзининг яхлитлиги ва мустақиллигини ҳимоя қилиш, унинг сақланиши ва фаровонлигини таъминлаш, шунингдек ўзини ўзи хоҳлаган тарзда ташкил қилиш, унинг судлари ўз манфаатларини қонунлаштириш, ўз хизматларини бошқариш, юрисдиктсия ва ваколатларни белгилаш ҳуқуқига ега [31]. Шунинг билан бирга бирон бир давлат Афғонистондаги ҳукуматнинг алмашишига ва ички ишларига аралашини мумкин эмас. Бунинг ҳуқуқий асоси Бирлашган миллатлар ташкилоти уставининг 2-моддасининг 7-бандида тасдиқланиб ўтилган: “Ушбу Низомда мавжуд бўлган ҳеч бир қоида Бирлашган Миллатлар Ташкилотига ҳар қандай давлатнинг ички

юрисдикциясига кирадиган масалаларга аралашини рухсат бермайди ёки аъзолардан ушбу масалани ушбу Низомга мувофиқ ҳал қилишни талаб қилмайди [32]. Демак ҳеч қайси давлат халқаро ҳуқуқ бўйича Афғонистондаги ички ҳокимият алмашинувида аралашини мумкин эмас. Шунингдек хориж мамлакатларинг Толибон ҳукуматини этироф этиш ёки етмаслиги мавжуд давлатнинг асосий белгиларига таъсир қилмайди. Бу еса халқаро ҳуқуқ нормалари билан ҳам қайд этиб ўтилганлигини юқорида кўриб ўтдик.

Учинчидан Эстрада, Тобаро ва халқаро ҳуқуқнинг белгиланган нормалари бўйича таҳлил натижасини берадиган бўлсак, Ўзбекистон ҳукумати Афғонистон ҳукуматини де-факто тан олди деб айтишимиз мумкин. Чунки икки ўртадаги юқорида кўриб ўтилган муносабатлар, ҳукумат расмийларининг алоқалари ва бир-бирларининг қўллаб-қувватлашлари, Ўзбекистоннинг расмий бўлмаган тан олиши десак муболаға бўлмайди.

Нима бўлганда ҳам Афғонистоннинг янги ҳукумати яъни Толибон режими халқаро ҳуқуқ нормалари асосида, белгиланган тартибда, мажбуриятларни масъулият билан бажарган ҳолда ўз ҳокимиятини амалга оширса, кейинчалик унинг бошқа давлатлар ва халқаро ташкилотлар (БМТ, ШХТ, МДХ ва бошқалар) томонидан расман тан олишига олиб келади. Лекин тан олмас ҳам давлат мавжуда бўлиши ва ички сиёсатини амалга ошириши мумкин. Бироқ Толибоннинг ташқи сиёсатидаги ривожланиш тенденциялари албатта уни тан олган давлат ва ташкилотларга боғлиқ. Айнан шу жиҳат давлатларнинг мунтазам савдо ва дипломатик алоқалар, шунингдек стратегик муносабатларни чуқурлаштиришига олиб келади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Қаранг: Jatin Garg. Subjects of International Law (Top Ranked Legal website of India.). By Indian Legal Solution. – India, Delhi. – 2018. Available from: <<https://indianlegalsolution.com/subjects-of-international-law/>>
2. Қаранг: How the Taliban stormed across Afghanistan in ten days. By the visual journalism team. BBC News. 16 August, 2021. Available from: <<https://www.bbc.com/news/world-58232525>>
3. Қаранг: Анна Рында, Петр Козлов. Би-би-си. Признает ли Москва талибов? Главные вопросы к стратегии России в Афганистане. 18 августа, 2021. // <<https://www.bbc.com/russian/features-58247499>>
4. В.Е. Ochilov, X.T. Odilqoriyev. Xalqaro ommaviy huquq: Oliy o‘quv yurtlari uchun darslik / Ochilov В.Е., Odilqoriyev X.T.; O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi, Toshkent davlat yuridik instituti. – Toshkent. Adolat, – 2007. – В. – 72. Available at: <<https://library-tsul.uz/xalqaro-ommaviy-huquq-odilqoriyev-x-t-ochilov-b-e-2007/>>
5. И.А. Базелюк. Признание государств в современном международном праве. Национальный университет “Одесская юридическая академия”. Украина, Одесса. – 2010. – С. – 79. // <<http://dspace.onua.edu.ua/bitstream/handle/11300/3353/Базелюк.pdf?sequence=1&isAllowed=y>>
6. Р.А. Вячеславович. Признание международным сообществом новых государств: проблемы и практики. Текст научной статьи по специальности “Политологические науки”. Россия, Москва, – 2018. – С. – 136.
7. О. Волосчук. Международно-правовое признание глав государств: исторический аспект. National University “Odessa Law Academy”. January, 2015. – С. – 107.

8. Қараңг: H.L. Stimson. International law, Article. Britannica official site. – 2019. Available from: <<https://www.britannica.com/topic/international-law/States-in-international-law#ref129019>>
9. James Crawford. Brownlie’s Principles of Public International Law (9th Edition). Publisher: Oxford University Press. Publication Date: July, 2019. – P. – 142. <https://doi.org/10.1093/he/9780198737445.001.0001>. ISBN: 9780198737445. Available from: <<https://www.oxfordlawtrove.com/view/10.1093/he/9780198737445.001.0001/he-9780198737445>>
10. Қараңг: Charles L. Stansifyer. Application of the Tobar Doctrine to Central America. Vol. 23, No. 3 (Jan., 1967), pp. 251-272 (22 pages). Published by: Cambridge University Press. <https://doi.org/10.2307/980469>. Available from: <<https://www.jstor.org/stable/980469>>
11. Қараңг: Philip C. Jessup. The Estrada Doctrine. The American Journal of International Law. Vol. 25, No. 4 (Oct., 1931), pp. 719-723 (5 pages). Published by: Cambridge University Press. <https://doi.org/10.2307/2189922>. Available from: <<https://www.cambridge.org/core/journals/american-journal-of-international-law/article/estrada-doctrine/A33A73BBF6433557DEBF7A6F1875765A>>
12. Қараңг: Subodh Asthana. How recognition of a state takes place under provisions of international law. Article. June 15, 2019. Available from: <<https://blog.ipleaders.in/recognition-state-international-law/#:~:text=De%20facto%20recognition%20is%20a,conditional%20or%20without%20any%20condition.&text=The%20state%20having%20de%20facto,member%20of%20the%20United%20Nations>>
13. Қараңг: S.K. Vyerna. Introduction to Public International Law. 2nd Edition. Published by: Satish Upadhyay, Satyam Law International. – 2012. – P. – 7-9. ISBN: 978-81-921204-1-6.
14. Subodh Asthana. How recognition of a state takes place under provisions of international law. June 15, 2019. Available from: <<https://blog.ipleaders.in/recognition-state-international-law/>>
15. Қараңг: Vienna Convention on Diplomatic Relations. 18 April, 1961. United Nations, Treaty Series. Vol-500, – P. – 95. Available from: <https://legal.un.org/ilc/texts/instruments/english/conventions/9_1_1961.pdf>
16. Lawexplores is legal site. Recognition of States and Governments. 05.05.2018. <<https://lawexplores.com/recognition-of-states-and-governments/>>
17. Yan Valter, Vitaliy Kropman. Deutsche Welle (*German public state-owned international broadcaster funded by the German federal tax budget*). Deutsche Welle (DW) is Germany’s international broadcaster and one of the most successful and relevant international media outlets. – Germany, Bonn. 24.09.2021. Available from: <<https://www.dw.com/ru/afganistan-kak-pravitelstva-raznyh-stran-mira-otnosjatsja-k-taliban/a-59285135>>
18. Официальный сайт новостного канала “РИА Новости”. Талибан. // <https://ria.ru/organization_Taliban/>
19. Қараңг: Риа Новости. Нью-Дели. Индия и США выступили за свободный от террористов Афганистан. – Россия, Москва. 25.09.2021. // <<https://ria.ru/20210925/svoboda-1751733813.html>>
20. Қараңг: Sputnik радиоси. “Талибан” определил кандидатов на пост посла Афганистана в России. – Россия, Москва. 24.09.2021. // <https://ria.ru/organization_Taliban/>

21. Қаранг: BBC channel. Official site. Afghanistan: EU and Britain no go recognise Taliban as goverment. – United Kingdom. 3 September, 2021. Available from: <https://www.bbc.com/pidgin/58439138>
22. I.I. Lukashuk, A.X. Saidov. Hozirgi zamon xalqaro huquqi nazariyasi asoslari: Yuridik oliy o‘quv yurtlari uchun darslik / I.I. Lukashuk, A.X. Saidov; – T.: O‘zbekiston faylasuflari milliy jamiyati nashriyoti. – 2007. – B. – 99-101.
23. Қаранг: Юсуп Кабулжанов. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг расмий вакили. Расмий телеграм канал. 1 сентябр, 2021. Available at: <https://t.me/mfaspokesperson>
24. Қаранг: “Daryo.uz” ахборот агентлиги расмий сайти. Ўзбекистон Афғонистонда “Толибон” томонидан муваққат ҳукумат тузилганини олқишлади. – Тошкент. 08.09.2021. Available at: https://daryo.uz/2021/09/08/ozbekiston-afgonistonda-tolibon-tomonidan-muvaqqat-hukumat-tuzilganini-olqishladi/?utm_source=@daryo
25. Қаранг: Daryo.uz ахборот агентлиги расмий сайти. “Толибон” Ўзбекистоннинг Кобулдаги янги ҳукумат билан алоқа ўрнатишга тайёрлигини эътироф этди. – Тошкент. 08.09.2021. Available at: https://daryo.uz/2021/09/08/tolibon-ozbekistonning-kobuldagi-yangi-hukumat-bilan-aloqa-ornatishga-tayyorligini-etirof-etdi/?utm_source=@daryo
26. Қаранг: “Gazeta.uz” ахборот канали. Ўзбекистон делегатсиясининг толиблар билан учрашуви қандай ўтди. – Тошкент. 15.09.2021. Available at: <https://www.gazeta.uz/oz/2021/09/15/afghan-aid/>
27. Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги расмий сайти. Инсонпарварлик юкларни етказиб бериш маросими тўғрисида. – Тошкент. 14.09.2021. Available at: <https://mfa.uz/uz/press/news/2021/insonparvarlik-yuklarni-yetkazib-byerish-marosimi-togrisida---30308>
28. Қаранг: Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги. Забиҳулла Мужоҳид Шавкат Мирзиёевга миннатдорлик билдирди. – Тошкент. 14.09.2021. Available at: https://uza.uz/uz/posts/zabihulla-muzhohid-shavkat-mirziyoevga-minnatdorlik-bildirdi_301729
29. Lukas Kleinyert. Recognition of a Taliban Government? Article. – Germany, Berlin. 08.09.2021. Available from: <https://voelkyerrechtsblog.org/recognition-of-a-taliban-government/>
30. Lawexplores is legal site. Official site. Recognition of States and Governments. 05.05.2018. Available from: <https://lawexplores.com/recognition-of-states-and-governments/>
31. Montevideo Convention on the Rights and Duties of States. Signed at Montevideo, 26 December, 1933. Available from: <https://www.jus.uio.no/english/syervices/library/treaties/01/1-02/rights-duties-states.xml>
32. Official site of United Nations. “United Nations Chartyer”. San Francisco. Signed on 26 June, 1945. Available from: <https://www.un.org/en/about-us/un-chartyer>